

---

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ**  
**JOURNAL OF SOCIAL STUDIES**

---

Ахмедова Дилдора Олимжоновна  
Илмий тадқиқотчи, Ўзбекистон Миллий университети  
e-mail:axmedova@mail.ru

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
МАНФААТЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-6-9>

---

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада ижтимоий-гуманитар фанларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг илмий-назарий ўрганилиши масалалари таҳлил қилинган. Ушбу таҳлиллар нафақат назарий балки, амалий хусусиятга эга бўлиб, халқаро ташкилотларнинг статистик маълумотлари ва социологик сўровлар натижалари билан тўлдирилган. Социологияда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муаммоларининг илмий таҳлили умумлаштирилган ва муаллифнинг фикри билан тўлдирилган.

Шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлашда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари очиқ берилган. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қонунчилик ҳужжатлари ўрганилган. Бу борада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада таъминлашга йўналтирилган ташкилий-гузилмали инновациялар моҳияти ёритилган. Мақолада расмий статистик маълумотлар ва айрим фикрлар ўқувчига тушунарли бўлиши учун муаллиф томонидан чизмаларда изоҳлаган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий-сиёсий фаоллик, ижтимоий институт, хусусий тадбиркорлик, мураккаб ҳаётий вазият, аёллар бандлиги, оила институти, сайёр қабуллар, жамоатчилик назорати гуруҳлари, ижтимоий муаммолар.

---

Ахмедова Дилдора Алимджановна  
Научный исследователь, Национальный университет Узбекистана  
e-mail:axmedova@mail.ru

**ГАРАНТИИ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ИНТЕРЕСОВ ЖЕНЩИН В  
УЗБЕКИСТАНЕ**

---

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье проанализированы вопросы теоретико-методологического изучения социально-политической активности женщин. Данный анализ имеет не только теоретическое но практическое значение и дополнено статистическими данными международных организаций и результатами различных социологических исследований. Обобщены научные подходы по изучению позиции женщин в обществе и проблемы повышения их социально-политической активности. Приведён собственный подход автора относительно изучаемой проблемы.

А также, раскрыты основные направления государственной политики по поддержке социально-политической и экономической деятельности женщин в стране. Изучены правовые основы поддержки

социально-политической активности женщин в Узбекистане. Раскрыта сущность организационно-структурных инноваций направленные на обеспечение эффективности реформ. Для повышения доступности продвинутой идеи и статистических данных автором использованы графические организаторы.

**Ключевые слова:** социально-экономическая активность, социальный институт, частное предпринимательство, сложная жизненная ситуация, общественный фонд, институт семьи, передвижные приёмы, группы общественного контроля, социальные проблемы.

---

**Akhmedova Dildora Alimdjanovna**  
Researcher, National University of Uzbekistan  
e-mail:axmedova@mail.ru

## **GUARANTEES OF SOCIAL AND POLITICAL INTERESTS OF WOMEN IN UZBEKISTAN**

### **ANNOTATION**

This article analyzes the issues of theoretical study of the socio-political activity of women. This analysis has not only theoretical but practical significance and is supplemented by statistical data of international organizations and the results of various sociological studies. Scientific approaches to studying the position of women in society and the problems of increasing their socio-political activity is generalized. The author's own approach to the studied problem is given.

The main directions main directions of state policy to support the socio-political and economic activities of women in Uzbekistan were also revealed. The essence of organizational and structural innovations aimed at the effectiveness of reforms is revealed. The author used a graphic organizer to increase the availability of advanced ideas and statistics.

**Keywords:** social and economic activity, social institution, private enterprise, difficult life situation, public fond, family institute, mobile tricks, public control groups, social problems.

---

**Б**угунги кунда жаҳон миқёсида аёлларнинг анъанавий мақоми ва роли тўғрисидаги турфун тушунчалар долзарблигини йўқотиб, унинг ўрнини аёллар ва эркалар ҳуқуқлари тенглиги ғоялари оммалашмоқда. Ушбу ғоялар нафақат ижтимоий-сиёсий ҳаётда балки, оила ва никоҳ муносабатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, замонавий оилаларда шахсий салоҳиятнинг роли ва аҳамияти ўсиб бораркан, оила аъзоларининг ҳар бири, жумладан, хотин-қизларнинг ижодий салоҳиятини янада очилиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўсиши кузатилмоқда. Натижада, оиланинг анъанавий функциялари қаторидан янги "персоналитар" (лотинчадан, "persona" - шахс) функция ўрин олди [1; с.427]. Ушбу функцияга биноан, оиланинг ҳар бир аъзоси, жумладан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ўзлигини намоён этишда зарурий шарт-шароитлар яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларини илмий ўрганиш тараққиётнинг турли формациялари хусусиятларидан келиб чиқиб фарқланган. Тарихий даврларда хотин-қизлар аксарият психофизиологик жиҳатлари билан илмий тадқиқотларнинг объекти сифатида қабул қилинган.

К.Миллет тарихий тараққиётнинг турли даврларда патриархал муносабатлар устуворлиги жамиятда хотин-қизларнинг ўрни борасида анъанавий тафаккурда хос мустаҳкам қарашлар ва стереотиплар тизимини яратганлигини таъкидлайди [2; с.55]. Ушбу қарашларга мувофиқ анъанавий жамиятларда аёлларнинг ўрни биргина уй-рўзгор ишлари билан чекланган [3; с.800]. Зеро, Симона де Бовуар таъбири билан айтаганда "...патриархат ўзининг дастлабки даврдан бошлаб

эркаклар манфаатига мос келган"[4; с.32].

Замонавий жамиятларда ушбу қарашлардан бирмунча чекиниш содир бўлди. Хусусан, классик социология вакилларида Э.Дюркгейм фикрича, кишилар орасидаги жинсий тафовутларидан қатъи назар "иқтидорнинг табиий тақсимоти" жамиятда ижтимоий мувозанатни ушлаб турувчи омиллардан бири сифатида кўради [5; с.301]. Т.Парсонс эса жамиятдаги жинслараро ижтимоий тафовутлар жамиятнинг органик асосини ташкил этиши ғоясини илгари суради [6; с.494].

Бизга маълумки, хотин-қизларда фаол касбий ҳаёт ва репродуктив ёш айнан бир пайтда кечади. Худди шу даврда аёллар маълум мутахассисликни эгаллаб, касбий маҳоратга эришиш ҳамда оила қуриб фарзандларни тарбиялаш ўртасидаги зиддиятли вазиятларни бошидан кечиради. Айнан ушбу масала борасида ўтказилган тадқиқотларга мувофиқ замонавий жамиятларда аёлларда шахсий ва касбий ҳаётни тенг юритиш истаги натижасида ижтимоий муаммолар кўпайишига сабаб бўлаётганлигини билдиради [7; с.8]. Зеро, бир вақтда кишининг ўзаро номутаносиб икки ижтимоий мавқени эгаллаб туриши зиддиятли трмуш тарзини шакллантириши ва ҳаёт қадриятлар мазмунига нисбатан кескин муносабатларни шакллантириши мумкин [8; с.217]. Бундай ҳолатлардан бири ёлланма ва уй меҳнати ўртасидаги уйғунликни издан чиқишига сабаб бўлмоқда [9; с.43].


Зеро, хотин-қизларда репродуктив ва меҳнатга лаёқатли ёш даври Э.Эриксоннинг саккиз босқичли инсон ҳаёти циклига мувофиқ бешинчи (ёшлик) ва олтинчи (етуклик) босқичига мос келиб айнан ушбу даврларда хотин-қизлар ҳаётдаги йўлдошни танлаш, оила қуриш, фарзандларни дунёга келтириб, вояга етказиш ҳамда фаол касбий ҳаётни ютириши шарт [10, с.208]. Бу даврда эркакларда оилавий ҳаёт касбий фаолиятга тўсиқ бўлмасдан давом этса, аёлларда, аксинча, "оила ёки иш" танлови кўндаланг туриб қолади. Худди шундай танлов борасида тадқиқотларини олиб борган М.В.Удалцованинг фикрига мувофиқ: "Аксарият эркакларда касбий ҳаёт "ҳаёт - ишлаш учун" тамойилига бўйсундирилган бўлса, аёлларда аксинча "иш - ҳаёт учун" тамойили устувор туради [11; с.43]. Аёл ва эркакларда бу каби тафовутлар деярли барча йўналишларда кузатилади.

Шундай бўлса-да, А.ван Геннеп томонидан ишлаб чиқилган "инсоннинг циклик ривожланиш модели" га мувофиқ аёллар шахсий ва касбий ҳаётини уйғун ҳолда юритиш, жамиятдаги ижтимоий мақомини ошириш, касбий ихтисослашиш каби иерархик босқичларни қамраб олувчи пиллапоялардан кўтирилиб боришда эркаклар қаторида ижтимоий-сиёсий фаоллигини намоён этмоқдалар [12; с.67]. Шунини таъкидлаш жоизки, Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми рейтингга мувофиқ, қуйидаги мезонлар бўйича хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ва касбий фаоллигининг гендер тафовутлари ишлаб чиқилди:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлашдаги фарқ;
- 2) эркаклар ва аёллар даромадларининг нисбати;
- 3) бошқарув тузилмасига кирувчи ҳамда меҳнат билан машғул бўлган юқори малакали аёллар сони;
- 4) аёлларнинг маълумотлилиқ даражаси;
- 5) туғилиш, оиладаги ҳаёт шароитлари ва узоқ ҳаёт кечириш бўйича фарқлар;
- 6) парламент аъзолари бўлган аёллар ва вазир аёллар сонини ошиб бориши [13, с.23].

Натижада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳаётини воқелик

сифатида назарий ва амалий аҳамиятга эга долзарб масалага айланди. Замоनावий жамиятларда эркак ва аёллар ўртасидаги касбий-профессиял ва оилавий-никоҳ муносабатларидаги тенглик ғояларини зўр бериб тарғиб қилинсада расмий маълумотларга кўра кўп жабҳаларда гендер тафовут ҳамон сақланмоқда. Хусусан, Грант Торнтон (Grant Thornton International) ташкилоти томонидан БРИКС ташкилотига кирувчи 45 та давлатдаги 6600 нафар хусусий корхоналарда ўтказилган тадқиқотларга мувофиқ раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган аёллар улуши қуйидаги расмда кўрсатилган (1-расм) [14].



**1-расм. Грант Торнтон (Grant Thornton International) ташкилоти тадқиқотларига биноан бошқарувдаги аёллар улуши, %.**

Биргина бўш вақт тақсимолига кўра аёл уй ишларига 33,6 фоиз, эркаклар 11,3 фоиз вақт сарфлайди. Аёллар суткада уй ишига 3 соат, эркаклар эса 0,65 соат сарфлайдилар. Бундан ташқари, аёл ҳам 8 соат меҳнат қилиб, оилада эркак каби ҳордиқ чиқариш, маданий дам олиш орзуси билан яшайди" [15, б.14].

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қиз болани замонавий касб-хунарга ўргатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида сўнгги йилларда халқаро ҳуқуқнинг, жумладан, унинг хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қоидаларнинг фаол субъектларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида сўнгги йилларда халқаро ҳуқуқнинг, жумладан, унинг хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қоидаларнинг фаол субъектларидан бирига айланди. Шунини

алоҳида таъкидлаш лозимки, БМТ доирасида қабул қилинган "Хотин-қизлар ҳуқуқлари дискриминация қилишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияда (1979 йил 18 декабр) хотин-қизлар ва эркаклар тенглигига оид қоидалар ўрнатилган. Ушбу Конвенция оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатади. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1995 йил 18 августда қўшилган. Халқаро қонунчилик ҳужжатларига мутаносиб равишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моддалари аёлларнинг тенглиги қоидаларини ўзида мужассам этган. Унинг 46-моддаси "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", деган демократик принцип асосида ифодаланди. Шунингдек, Конституциянинг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар", деб қайд этилган. 48-моддада эса "Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар", деган қоида ифодаланиб, унга биноан аёлларни камситиш таъқиқлаб қўйилган.

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46, 63, 64, 65, 66-моддаларида, шунингдек, махсус қонунларда ўз ифодасини топган. Зеро, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама, жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони шу мақсадда қабул қилинди [16, б.1].

Фармонга биноан 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига тегишли штат бирликларини туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмаларига ўтказган ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилмоқда.

Бундай мутахассислар ҳар бир маҳаллада биттадан, оилалар сони 2000 тадан кўп бўлган маҳаллаларда иккитадан жорий этилади. Улар зиммасидаги вазифалар қаторига қуйидагилар киритилди (2-расм):



## 2-расм. Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис функциялари

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясининг 4-Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналиши 4.2-бандида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш, ёш хотин-қизлар ва ёш оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш борасида қуйидаги устувор йўналишларга аниқлик киритилган.

- уюлмаган қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида мавжуд муаммоларни аниқлаш, танқидий таҳлил қилиш ва ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзинининг асосий қоидаларини кенг тарғиб этиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш;

- вояга етмаган қизларни таълим-тарбия жараёнига кенг жалб этиш, уларни билим олиш шароитларини яхшилаш борасидаги ишларда натижадорликга эришиш мақсадида ташаббускор, фаол ёшлардан иборат жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

- ёш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга

қаратилган тарғибот тадбирларининг таъсирли механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- имконияти чекланган хотин-қизларни хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, турли йўналиш ва соҳаларда улар учун махсус ўқув курслар ташкил этиш, уларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этиш;

- ёш қизлар, шу жумладан коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

- аёллар, оилалар ва ёшлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ёш оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хонадонларга ташриф буюриб, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш тизимини мустаҳкамлаш, ёш хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, улар ўртасидаги салбий кўрсаткичларни пасайтириш чораларини кўриш;

- амалга ошириладиган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва бошқалар.

Хуллас, модернизациялашаётган жамиятда аёлнинг ўрни ва роли ҳақида гап кетар экан, бу ижтимоий воқелик сифатида назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Ушбу масалага оид илмий тадқиқотларни танқидий ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларимизни илгари сурамыз:

Биринчидан, замонавий жамиятларнинг барқарор тараққиёти таъминланишида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштироки таъминланиши шарт. Бунда, аёллар ва эркаларнинг ҳуқуқий тенглигини уларнинг амалий тенглиги маъносида талқин этилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, аёллар асосан оилавий турмуш доираси билан чекланмасдан, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларни инновацион фаолиятга ундаш мақсадга мувофиқ. Дунё мамлакатлари аҳолисининг турмуш тарзи, миллий-этник хусусиятлари, глобаллашиш, модернизация жараёнлари билан тўқнаш келган бир даврда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги жамият ва шахс ҳаёти барқарорлигини таъминлаш омили сифатида юқори интеллектуал ёндашувлар асосида қўллаб-қувватланиши эса давр талаби бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятдаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда улар билан яқка тартибда ишлаш тизимини шакллантириш лозим.

## Адабиётлар

1. Социальная работа: теория и практика. Отв.ред. Е.И.Холстова. - М.: ИНФРА-М, 2001. - 427.
2. Полина С.В. Права женщин в системе прав человека: международный и национальный аспект. - М.: 2000, - С. 55.
3. Брокгауз Ф.А., Ефронь И.А. Талмут. 100 Великих книг. Энциклопедический словарь. СПб., 1894. - С. 800-888.

4. Симона де Бовуар. Второй пол. //Хрестоматия к курсу "Основы гендерных исследований". - М.: МЦГИ, 2001. - С. 32.
5. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Одесса, 1900. Там же, с. 301.
6. Парсонс Т. Понятие общества: компоненты и их взаимоотношения //Американская социологическая мысль. - М.- 1996.- С.494-526.
7. Немова О.А., Свадбина Т.В., Пакина Т.А. Цена и ценность любви: опыт социоантропного анализа. Вестник Мининского университета, 2016. №4. - С. 8.
8. Липсет С. Политическая социология // Американская социология. - М., 1972. - С. 217.
9. Николенко Н.А. Социально-ролевые функции женщины в экономической жизни современного российского общества. Дисс. На соис.соц. наук. - Волгоград, 2000. - С. 43.
10. Хухлаева О.В. Психология развития. Молодость, зрелость, старость. - М: Академия, 2006. - С. 208. .
11. Удальцова В. Социология управления. - М.: ИНФРА-М, 2002. - С. 43.
12. Геннап А. Обряды перехода. Систематическое изучение обрядов. - М.: Восточная литература, РАН, 1999. - С. 67.
13. В борьбе за равноправие женщины побеждают. Правда, не везде // Мир новостей. 2010, №42. - С. 23.
14. Роль женщин в экономике развивающихся стран недооценена, говорят аналитики. URL: <http://www.interfax.by/news/belarus/1150335>
15. Шайхова Х.А. .Аёл мавқеи ва унинг муҳим муаммолари. // Хотин-қизлар камситилишига қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-психологик муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2008 йил 12 июнь // Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. - 14 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5325-сонли Фармони. - Тошкент. 2018 йил 2 февраль. - 1 б.